



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 24 ноябрь, № 233 (4386)

Шанба

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ БЕҚИЁС САМАРАСИ



Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилгани туфайли қисқа вақт ичида автомобилсозлик учун зарур бўлган кўплаб турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. **Натижада уларнинг импортига ҳожат қолмади.**

Хонобод шаҳрида жойлашган «ЎзКоджи» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли сим ўровлари тайёрлаб берилаётди. Эътиборлиси, замонавий технологиялар билан жиҳозлан-

ган маъзур корхонада 652 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилмоқда. Уларнинг қирқ нафари Корея Республикасида малака ошириб келди. Бу эса ишлаб чиқаришда ўз самарасини бераётти. **Жамоа жорий йил охиригача «ЎзДЭУавто» авто-**

билларига 170 минг дона маҳсулот етказиб беришни мўлжалламоқда.

СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Наргиза Тешабоева.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов учинчи ўқишда қўриб чиқиш учун депутатлар муҳокамага киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов тақдим этди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасидан кейин депутатлар томонидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

сида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда қўриб чиқиш учун депутатларга тақдим этди. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.



Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси М.Абдуллаева учинчи ўқишда қўриб чиқиш учун тақдим этилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Муҳокама чоғида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг айрим нормаларини яхши-

лашга қаратилган таклифлар билдирилди, шу таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов депутатлар муҳокамага «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди. (ЎЗА).

ЧЕМПИОНЛАРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Мустақил дийримизда бугун Юртбошимиз раҳнамолигида баркамол авлоднинг тарбиялаш борасидаги кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам буюк аждодларимиз шон-шухратига муносиб, истисъодли, шижоатда тенгсиз авлод вояга етмоқда. Улар дунёнинг турли бурчакларида бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақаларда шоҳсупанинги юқори поғоналаридан жой олиб, мамлакатимиз байроғини баянда кўтаришмоқда.

Нихолаб бораётган ноябрь ойи ҳам бизга кўнлаб куюнчи галабалар туҳфа этди. АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Аббос Атоев жаҳон чемпиони деган сарофли номга сазовор бўлган хабарингиз бор. Бу галаба ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам қувонч, гурур ва ифтихор туйғуларини олиб кирди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари эса футбол бўйича 2008 йили Саудия Арабистонидан бўлиб ўтаётган Осиё чемпионати учун саралаш учрашувларни муваффақиятли яқуллаб, финал босқичига йўналмоқда. Пойтахтимизда «Универсал жанг» бўйича яқундан жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз умум-

жамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритишди. Мана, бир неча кундирки, халқимиз яна ўз голиб спортчиларини олқишламоқда. Гап шундаки, 11-22 ноябрь кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ноғирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган VII жаҳон чемпионатида мамлакатимиз футболчилари жаҳон кўрсатишди. Мард ўғлонларимиз ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаганини яна бир қарра исботладилар. Айниқса, футболчиларимизнинг уч мартабалик жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган Бразилия ва Россия каби донгдор терма жамоаларни мағлуб этганлиги гуруримизни мағлуб этганлиги гуруримизни тоғдек юксалтирди. Терма жамоамиз аъзоси Абдухамил Шукуров

шубу нуфузли чемпионатнинг «Энг яхши футболчиси» сифатида тан олинди. Аъзам Исмаиловга «Олтин бутса», дарвозабонимиз Зоҳидхўжа Тошқужаевга эса «Олтин кўлқоп» соврини насиб этди. «Энг яхши ҳимоячи» деб Ҳайдарали Турсунбоев тан олинди. Буларнинг бари ўзбекистоннинг кимлигини, миллатимиз фарзандларининг нафарга қадирлигини исботловчи ёрқин ва ўчмас галаба эмасми?!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуни кеча — 22 ноябрь кунини эълон қилинган Фармонига кўра, футбол бўйича ноғирон-ампутантлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани, ўзбек



(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ишончли тарзда, изчил ҳимоя этилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси давлат стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақиллик йиллари мобайнида, айниқса, оналик ва болалиқни муҳофаза этиш, келажак авлод ҳақида гамхўрлик қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган чора-тадбирлар дастури изчиллик билан амалга оширилди. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганлиги ҳамда етакчи халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланганлиги бежиз эмас.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг ҳукуматининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисидаги маърузаси асосий қидаларини амалга ошириш юзасидан мамлакат парламенти юқори палатаси қўмиталарининг тадбирлар режаси доирасида «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Таъки сибсат масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар 23 ноябрь кунини Қарши шаҳрида бўлиб ўтди.

Семинар иштирокчилари она ва бола ҳуқуқларини қонунчилик йўли билан таъминлашга, хотин-қизларнинг, шу жумладан, болаларини парваришлаш билан машғул аёлларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга Ўзбекистон Республикасида муҳим аҳамият берилаётганлигини таъкидладилар. Ўзбекистонда оналик ва болалиқни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий базаси БМТ тегушли Конвенциясининг нормаларини тўла-тўқис акс эттирганлигидан ташқари она ва бола ҳуқуқлари ҳимоясини аниқлаш кенгайтирмоқда ҳам. Чунки, БМТ Конвенциясига қўра,



ҳомилдорлик ва туғиш таътили муддати ўн икки ҳафтани ташкил этиши лозим бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан аёлларга бир юз йигирма олти календарь кун муддати билан ҳомилдорлик ва туғиш таътиллари берилди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, болаларнинг, бўлажак оналарнинг соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлаш, соғлом авлоднинг тарбиялаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида она ва болани давлат йўли билан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими шаклланди. Шунини айтиш кифояки,

(ЎЗА).

Экспорт

Мамлакатимиз автомобилсозлигининг фахру ифтихорига айланган Асакадаги «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти конвейеридан тушаётган энгил машиналарнинг рангларига ҳеч эътибор берганмисиз? Камалакнинг рангин буюқларидай жиполаниб, қўзни қамаштиради. Қўёш нури оғушида тову каби товланади. Автомобилларимизнинг чиройига-чирой кўшаётган лок-буюқлар мана, саккиз йилдирки, Андижондаги «ЎзДонг Пэинт

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Ко» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида тайёрланмоқда.

У МДХ давлатлари ичида шундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Жорий йилнинг ўн ойида жамоа ахли 5842 тонна авло сифатли буюк тайёрлади. Асакалик автомобилсозлардан ташқари, «Ўз Корам Ко», «Ўз Тонг Хонг», «Ўз Сем Юнг», «Фаргона Диск» қўшма корхоналари ва Самарқанд автомобиль заводига ҳам рангин буюқлар етказиб берилди.

— Украинанинг «ЗАЗ» автомобиль заводи тендер эълон қилгани, — дейди «ЎзДонг Пэинт Ко» корхонасининг ижрочини директори Ганижон Узоқов. — Тендерда Словениянинг «PPG HeiNyc», Германиянинг «Вауег» сингари машҳур компаниялари ҳам қатнашди. Бироқ биз ютиб чиқдик. Украиналик автомобилсозларга шартнома асосида ўн тонна лок-буюқ жўнатдик.

Оддийлон ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ДИЛДОРА — МИЛЛИЙ ТАНЛОВ ФОЛИБАСИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган «Йил аёли» биринчи миллий танловининг республика босқичи голибаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини тобора юксалтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интеллектуал-қасбий билим ва маҳоратини ошириш, аёллар учун, айниқса, чекка ҳудудларда янги иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятига яқиндан қўллашнинг борасидаги кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётти.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтириш. Бунга турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам ўз хиссасини қўшмоқда.

Хотин-қизларга ижтимоий мадд қўрсатиш, уларни рағбатлантириш, жамиятимиз таянчи бўлиши оила институтини ҳар томонлама мустақамлаш, унинг фаровонлигини ошириш «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида муваффақиятли ўтказилиб, юртимиз хотин-қизларига катта қизиқиш уйғотган «Йил аёли» биринчи миллий танлови бунинг яна бир далилидир.

Ижодий беллашувада олти минг нафардан зиёд аёл иштирок этди. Уларнинг ўн тўрт нафари яқиний босқичда ўз маҳоратини на-

моийш этиш имкониятига эга бўлди. Катнашчилар билиминин баҳолашда аёлларнинг тафаккури, меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари, дунёқараши, оилавий аъзаларга муносабати, пазандалиги, уй-рўзгор тутимида ижодий ёндашуви, санъатга қизиқиши ва қўбиялига алоҳида эътибор қаратилди. Танловнинг яна бир муҳим шартларидан бири — аёлларнинг Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига кўмак қўрсатишга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлардаги иштироки ҳам ҳисобга олинди.

Биринчи ўрин самарқандлик гиламдўз, «Самарқанд-Бухоро илақ гилами» қўшма корхонаси менежери, Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти, икки фарзанднинг онаси Дилдора Ниёзовага насиб этди.

— Бундай нуфузли танловда иштирок этганимдан беҳад мамнунман, — дейди


Д. Ниёзова. — Юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш борасидаги эзгу ишлар нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топаётгани биз, аёлларни янада фаролроқ бўлишга, юртимизга муносиб фарзандлар тарбиялаш боробарида Ватанимиз раванқи, гуллаб-яшнаши йўлида астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Тадбирда санъат усталари ҳамда ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Нозоқат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.
Альо АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

«Бекободцемент» ОТАЖ:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



технологияни амалиётга жорий этиш, ишчи-хизматчилар, техник ва муҳандис ходимларнинг профессионал касб маҳоратини ошириш ҳисобига эришилади. Буларнинг ҳаммаси республикамизнинг йирик корхоналаридан бири — «Бекободцемент»ни истиқболда барқарор тараққий эттириш, пировардида қурилиш соҳаси учун



Модернизация

Тошкент вилоятидаги «Бекободцемент» очик турдаги акциядорлик жамиятининг матбуот хизматидан хабар қилишчи, ушбу корхона бош директори Сергей Никитин узоқ йиллар мобайнида Новотроицк цемент заводида ишлаб, оддий цех мастерлигидан директорликкача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтган. Унинг чорак асрдан зиёд иш тажрибаси «Бекободцемент»нинг янада ривожланишида муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Маълумки, бу завод 1926 йилда ишга туширилган. Уша пайтда корхонада бир кеча-кундузда 25 минг тонна цемент тайёрланган бўлса, ҳозирги кунда унинг ишлаб чиқариш қуввати ўн баробардан кўпроқ ошган. 1995 йилнинг март ойида эса за-

воднинг мулк шакли ўзгартирилиб, у очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган. Янги раҳбариятнинг режасига кўра, келгуси йилда «Бекободцемент» ОТАЖда кунига 2500 тонна клинкер (цемент учун муҳим хом ашё) ва 860 минг тон-

на цемент ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бунга корхонани тўлиқ модернизация қилиш, хусусан, клинкер ишлаб чиқарадиган янги линияни қуриш, бу линияда биринчи марта қуруқ

сув ва ҳаводек зарур бўлган маҳсулот — цемент ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш имконини беради. Дарҳақиқат, «Бекободцемент» очик турдаги

акциядорлик жамиятидаги янгилишни ва ўзгаришларни Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистон ва Россия ўртасида иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг маҳсули десак, асло муболаға бўлмайдди. Зеро, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида таъкидланганидек, яқин йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиладиган Россия инвестицияси 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши мумкин. Россиялик инвесторнинг «Бекободцемент» ОТАЖда ўз фаолиятини бошлаши эса

ана шу хайрли мақсад йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

И. ЎТБОСАРОВ.
СУРАТДА: корхона ҳаётдан лавҳалар.

«ЎЗБЕКТЎҚИМАШ» ИЧБ ТУГАТИШ БОШҚАРУВИ

бирлашманинг куйидаги биноси негизда тўқимачилик саноати йўналишидаги ёки тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона ҳамда ушбу йўналишдаги саноат корхоналари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, узеллар ва бутловчи қисмлар тайёрловчи, экологик жиҳатдан тоза бўлган корхона ташкил этиш бўйича қайта ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Бино-иншоотнинг номи	Инвент. рақами	Бино майдони* (кв. метрда)	Бошланғич баҳоси* (АҚШ долл.)
Комплекс № V - айланма таъмирлаш компрессор станцияси биноси	603200	612,4	73857,00

* - бинога туташ ҳудуд ва ундаги асфальт-бетон қопламалар ҳамда яшил дов-дарахлар бино майдони бошланғич баҳосига киритилмаган.

Қайта танлов (тендер) да иштирок этиш учун ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 календарь кунни давомидида иштирок этиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар тугатиш бошқарувидан олинган (Давлат мулк қўмитаси томонидан тавсия этилган) талабнома асосида куйидаги ҳужжатларни юқорида кўрсатилган муддатда тугатиш бошқарувида тақдим этишлари лозим:

- танлов (тендер) иштирокчилигига номзод тўғрисида тўлиқ маълумотлар;
- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси;
- қисқача бизнес-режа, инвестиция таклифлари ва бинони сотиб олиш бўйича кафолат хати, бинони сотиб олиш учун етарли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкнинг кафолат хати.

Қайта танлов (тендер)га қўйилган объект бўйича қўшимча маълумотларни куйидаги манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин:

100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-«Б» уй (мўлжал — «Аския» бозори рўпарасида). Телефонлар: 280-50-94, 280-50-92.

«Ўзбектўқимаш» ИЧБ Тугатиш бошқаруви

«АВТОАЛОҚА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРЧА АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2007 йил 25 декабрь куни соат 10.00 да «Автоалоқа» акционерлик жамияти акционерларининг навбатдан ташқари мажлиси ўтказилади.

- Кун тартиби:**
1. Жамият балансида бўлган асосий воситалар ва моддий захираларни сотувга қўйиш.
 2. Дивидендларни тақсимлаш.

Акционерлар йиғилиши Тошкент шаҳри, Марказ-27, Беруний кўчаси, 42-АТС биносиде ўтказилади.

Анжуман

«Экосан» халқаро ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Матбуот минтақавий ва глобал экологик таҳдидлар шароитида» мавзусида экологик медиа-форум ўтказилди.

ЭКОЛОГИЯДАН ЁЗИШ ОСОНМИ?

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, республика ОАВ ходимлари ҳамда бир қатор эколог олимлари иштирок этди.

Таъкидлангани, мамлакатимизда олиб борилаётган илчил ислохотлар туфайли атроф-муҳит муҳофазасига эътибор янада кучайди. Миллий қонунчилигимиз мустаҳкамланиб, табиат муҳофазаси, санитария ва гигиена йўналишларида ҳақон талабларига ҳаво берадиган дастур ва ҳаракат режалари босқичма-босқич амалга оширилаётгани ўзининг ижобий натижасини берапти. Жумладан, кейинги йилларда экологик таҳдидлар ҳамда уларнинг оқибатлари бирмунча камайди, шунингдек, тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ортиб, чиқиндилар бошқаруви таъминлашиб бормоқда. Бироқ аҳолининг экологик маданияти ҳали талаб даражасида эмаслиги оқибатда табиий ресурслардан фойдаланишда бир қатор муаммолар юзага келмоқда.

Анжуман иштирокчилари кенг жамоатчиликнинг экологик билимини оширишда матбуотнинг хизмати беқисс эканлигини таъкидлашар экан, унинг кучидан самарали фойдаланиш масаласини илгарти суришти. Чунки бугун башариятнинг дардида айланган экологик муаммолар хусусида тахлил қилишлар кузатиляпти, марказий нашрларда хабарлар билан чекланиб қолмаётди.

Баёқ-мунозараларга бой бўлган форумда айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 900 дан зиёд газета-журналлар, 100 га яқин теле ҳамда радиостанциялар, шунингдек, бир қатор ахборот агентликлари ва интернет-нашрларида экологик мавзусига кенгроқ ўрин ажратиш кераклиги қайд этилди. Соҳага истиқослашган журналист кадрлар сафини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Марказ филиалига янги жиҳозлар

Урганчдаги Республика шошилинч тез тиббий ёрдам марказининг вилоят филиалига умумий ҳажми 500 минг АҚШ доллари миқдорда 12 турдаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар топширилди.

Тақдимот «Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ва унинг минтақавий филиалларини Ислом тараққиёт банки иштирокида тиббий жиҳозлари билан таъминлаш» лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Мазкур амалий ёрдам шифокорларнинг оғирини енгили қилиб, беморлар саломатлигини тиклашда қатор қулайликларни юзага чиқариши шубҳасиз.

Хоразм томонларда Полвонлар шохсупада

Олимпиада захиралари коллежи қошидаги мактаб-интернат ва халқ таълими бошқармасига қарашли 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчиларидан иборат Хоразм вилояти курашчилари умумжамоа ҳисобида 6 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медали билан шохсупанинг биринчи поғонасидан жой олди.

Қиш эшик қоқмоқда

«Урганчқўмирсавдо» масъулияти чекланган жамияти томонидан аҳоли ва корхоналарнинг муқобил ёқилғига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида йил бошидан бери Хоразм вилоятига 110 вагон тошқумир келтирилди.

Таъминотчилар кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик режаси бўйича йил охиригача яна 7400 тоннадан зиёд муқобил ёқилғи келтириш тарадудидалар. Бу газлаштирилмаган ҳамда газ

Пўлатбек БЕКМЕТОВ.

«INTEGRAL ASIA»
17" мониторли
P4 компьютерлари
Тошкентдаги омбордан
650 000 сўмдан бошлаб
Пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Тошкент ш., Фарғона йули кўч 13/12,
тел.: 133-10-46, 120-30-27, 120-30-28,
факс 120-30-26.

Товар сертификатланган
e-mail: sale@onlineuz.net,
www.integral-asia.com

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, АНДИЖОН ШАҲРИ, НАВОИЙ ШОҲҚУЧАСИ, 30-УЙДА ЖОЙЛАШГАН
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Андижон вилояти «Куйганёр темир-бетон буюмлари» корхонасида сақланаётган, «Куйганёр темир-бетон буюмлари» корхонасига қарашли барча ҳолатлари яхши, ишга яроқли қуйидагилар: маъмурий бино; шағал саралаш цехи биноси; лаборатория биноси; компрессор биноси; 35,8л/м 550 мм. транспортёр лента; 39,4л/м 650 мм. транспортёр лента; 32 та ролик; 3 та 5 квт двигатель; 7 та 7,5 квт двигатель; 2 та 10 квт двигатель; 1 та 15 квт двигатель; 1 та 2,8 квт двигатель; 7 та конвейер; «ШД-741» русумли майдалагич; «КМД-561» русумли майдалагич; «Грохот ГИЛ-42» русумли элак; классификатор; 1 та классификатор печка; 1 та қабул қилиш бункер печкаси; 30 п/м лента-800; 100 п/м лента-650; 120 та ролик 1=25; 5 та «РЦД-350» русумли редуктор; 3 та «РМ-500» русумли редуктор; 4 та етакчи (ведущий) барабан в-750; 3 та етакчи барабан в-1200; 7 та етакчи барабан; 1 та «ШД-741» русумли майдалагич (дробилка), 1 та «Грохот ГИЛ-142» ва 1 та «С-130» русумли бульдозер.
Бошланғич нархи — 183 900 000 сўм.
2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Улуғнор тумани, Дўстлик маҳалласида жойлашган, 2001 йилда ишга туширилган, майдони 1005,8 кв.м. бўлган бетон ишлаб чиқариш цехи.
Бошланғич нархи — 67 620 606 сўм.
3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Избоскан тумани, Луғумбек қишлоғида жойлашган, ишга яроқли ҳолатдаги Избоскан тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи ошона биноси ва иншоотлари.
Бошланғич нархи — 146 685 000 сўм.
4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Олтинқўл тумани, Қумақай қишлоғи, «Уйиши» маҳалласи ҳудудида жойлашган, таъмирталаб, умумий ҳолати — урта, «Савдо осмони» хусусий корхонасига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохбосчаси бино иншоотлари ва техникалари.
Бошланғич нархи — 41 770 220 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Избоскан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига қиб танишиш мумкин. Ушбу мулклар сотилиши тўғрисидаги эълон «Андижоннома» газетасининг 2007 йил 14 ноябрдаги 99-сон ва 17 ноябрдаги 100-сониде чоп этилган.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-87-86.

Лицензия: DB 001 №000004.

РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

РОССИЯ МИЛЛИЙ

КЎРГАЗМАСИ



28 ноябрдан 1 декабргача
«Ўзэкспомарказ» МКК

yellowpages.ru
DIPLOMAT
газета.ру

Uzbekistan Today
FMA ORAT
STIZ
PARTNER
REGI.LZ

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудлофа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси **ХАНИЯ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.
- «Ўзбекэнигасанот» давлат акциядорлик компанияси жамоаси, бошқарув раисининг ўринбосари Шукрулло Исмоилова онаси **РУҚИЯХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
- «Ўзбекэнерго» ДАК раҳбарияти ва жамоаси умумий бўлим бошлиғи Озода Жўраевага онаси **Ҳудия ва ИСМОИЛОВА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
- Тошкент Молия институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарини ва амалиёти кафедраси профессори **Зоҳир ҒОФУРОВ аянинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.
- Абдулла Қаҳҳор номидидаги Республика Сатира театри жамоаси кадрлар бўйича директор муовини Маълуда Маҳмудовага укаси **Ҳабибулло СОДИҚОВ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.
- Қамолдин Беход номидидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Дағдоғли рангтаъсир кафедраси доценти Муҳаммадйёр Тошмуродовага онаси **ЖАМИЛА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кўнгил жиёбони



«Сарв қомат кўрмишам...»

Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий ўзбек мумтоз адабиётида ҳам шоир, ҳам мутаржим сифатида ўчмас из қолдирган буюк ижодкордир. У Алишер Навоий ҳазратларининг муносиб издоши, адабиётимизни янги уфқлар сари йўналтира олган забардаст шоир ҳисобланади.

Бинобарин, Огаҳий газаллари сирлар оламига элтувчи, огоҳ ва воқиф этгувчи йўл десак, хато қилмаймиз. Бу йўлдан қалбни очиб, бир дақиқа бўлса-да, юрганлар файзиёб лажзаларга сазовор бўладилар, руҳиятлари коинот қадар юксалади, сўз сеҳри ва жозибасидан ҳаётнинг жаннатмонанд равзаларида ҳузур топадилар. Алалхусус, шоирнинг «Дўстлар бу кун ажаб бир сарвқомат кўрмишам» деб бошланадиган ҳайрат ва маҳиёлик рутбасида туриб ёзилган, фасоҳат ва нафосат барқ урган газалини ўқисангиз, ана шундай бахраларни ҳис этсангиз, ажаб эмас.

Шоҳ сатрлар

Дўстлар, бу кун бир сарв қомат кўрмишам,
Сурати бошдин аёқ фарқи латофат кўрмишам.
Офтоб осо мунаввар талъати фарҳундасин,
Оламоро ахтари авжи саодат кўрмишам.
Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,
Кўзларининг суратин айни иноят кўрмишам.
Жон физо ширин лабини топмишам оби ҳаёт,
Рухларпар нуктасин дурри зарофат кўрмишам.
Қочса ҳушим тонг эмас кўргач қиёми қоматин
Ким, мани ҳайрон они қойим қиёмат кўрмишам.
Тургонин базм ичра илгин қовшуриб одоб билан,
Беқарору музтариб кўнглумга роҳат кўрмишам.
Билгуси ҳар муддао хотир аро қилғоч ҳутур,
Таъбиға махсус онинг фаҳму фаросат кўрмишам.
Кўрмадим монанд анго қобуқлик ичра нечақим,
Дилраболар жилвасин беҳадду гоят кўрмишам.
Билмадим ҳолим не ерга ойд ўлғой оқибат,
Ким ўзим шавқиди ҳуб бесару тоқат кўрмишам.
Огаҳий, энди манга ўлмақдин ўзга чора йўқ,
Ким бугун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам.

Дўстлар, бу кун бир сарв қомат кўрмишам,
Сурати бошдин аёқ фарқи латофат кўрмишам.
Офтоб осо мунаввар талъати фарҳундасин,
Оламоро ахтари авжи саодат кўрмишам.
Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,
Кўзларининг суратин айни иноят кўрмишам.
Жон физо ширин лабини топмишам оби ҳаёт,
Рухларпар нуктасин дурри зарофат кўрмишам.
Қочса ҳушим тонг эмас кўргач қиёми қоматин
Ким, мани ҳайрон они қойим қиёмат кўрмишам.
Тургонин базм ичра илгин қовшуриб одоб билан,
Беқарору музтариб кўнглумга роҳат кўрмишам.
Билгуси ҳар муддао хотир аро қилғоч ҳутур,
Таъбиға махсус онинг фаҳму фаросат кўрмишам.
Кўрмадим монанд анго қобуқлик ичра нечақим,
Дилраболар жилвасин беҳадду гоят кўрмишам.
Билмадим ҳолим не ерга ойд ўлғой оқибат,
Ким ўзим шавқиди ҳуб бесару тоқат кўрмишам.
Огаҳий, энди манга ўлмақдин ўзга чора йўқ,
Ким бугун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам.

Кунлардан бир кун...

Ноёб фазилат

Француз маърифатпарвари ва файласуфи Монтескье ўз ўғлига шундай насиҳат қилди:
— Инсонда иккита ноёб фазилат бор. Биринчиси — ўта ҳалоллик, иккинчиси — теран донишмандлик.
— Ўта ҳалоллик нима? — сўради ўғил.
— Берилган ваъда нақадар машаққатли бўлмасин, унинг устидан чиқиш.
— Теран донишмандлик-чи?
— Ҳеч қачон ҳеч кимга ҳеч нима ваъда қилмаслик.

Инсон манзаралари

Туроб аканинг хотини Чаман хола олтимш ёшида қазо қилди. Туроб ака яқаланиб қолди. Қизи Моҳира неваре кўрди, келини Дилором учинчи фарзандга ҳомилдор, яқин-орада кўзи ёрийдди. Иккалови алоҳида яшашди. Марҳум хотинига қуйса-да, Туроб ака фарзандлари ўзидан тинчиб кетганига мамнун, хотини ҳам вазифасини бажариб кетди. Битта тақдир шунчалик бўлади-да, ўйлади хондонда танҳо қолган Туроб ака. Пайғамбар ёшидан ошди, энди унга гал келган эди. Ичмагина ҳовли четидаги бодом қурибди, уни қўрибди, ўрнига янги кўчат — анор ўтказди. Икки йилда ҳосилга кирди, ўзининг оғзи тегмаса, неваре-эваралари баҳраманд бўлишди. Ҳозир улар нента бўлганини нуқул унутди, исмларини адаштиради.

Анор гули

Туроб ака ҳатто ёшини аниқ айта олмайдди, яқка яшашнинг маъноси қолмади. Бултур ўларман, деб таъмин қилувди, жўраси Қодирали олтимш беш ёшлик таваллудини нишонлаш режасини айтиди. Улиб кетиш нуқулай туюлди. Маросим даъда билан ўтди. Етмишга чопон совғага келди, айвон тўлиб кетди — жўраси билан биргаликда, бозора олиб чиқилди, шунча чопонни икки ой давомида сотишди. Эвазига Қодирали ака жўрасига электр-чойнак ҳада қилди — сув қуйиб,

ни қоқиб. — Бева нарсаман, одамлар жирттак чалишади — бир оёғим гўрда бўлса...». Хуллас, эп кўрмади — келини туруғунада жон талашиб ётса, бу таваллуд тўйи қиладимми? Унамади. Кеч қузда анор эқди. Қишда қазо қилишини мумкин билиб, ўғлига: «Кўчатга сув бериб тур», деди. Бирок қишда ўлмади — анор кўкаришини кўргиси келди. Бяхорда анор кўкарди, битта гул очди, лекин гули тўқилиб кетди. Келаси баҳорда яхши гуллади, деб ўйлади Туроб ака, кейинги қишда ҳам ўлмади. Анор ўнганча гул очди. Тўгса, меваси қанақа бўларкин, дея, Туроб ака умид қилди.

Санъат

Опера санъатининг ўзгача сеҳри бор. Унинг сирли оҳанги қалбларни беҳтебёр тўқинлантириб юборади. Айниқса, миллий асарларимиз асосида яратилган арияларни тинглаганда миллиятимизга хос жамики эзгу фазилатлар руҳиятга кўнгалдек бўлади. Умуман, опера санъати асарларини ҳузур қилиб тинглаш баробарида ҳам маънавий озғука, ҳам бир олам завқ оласиз.

Бизнинг таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, Жаҳон опера концертларида лауреат, олтин медал соҳиб, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри бадий раҳбари, профессор Исмоил Жалилов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

Оҳанглар жозибаси

— Юртимизда барча соҳалар қатори санъат ва маданиятга ҳам юксак эътибор қаратишмоқда. — дейди Исмоил Жалилов. — Юртобимиз ва ҳукуматимизнинг ҳаммуҳриги остида бугун янги-янги номлар, истеъдодлар камол топаётти. Жойларда ўқитилган ҳайрия концертлари, миллий услубдаги куй-қўшиқлар учун танловлар замиридаги мақсад ҳам ёш авлодга миллий руҳ ва анъанавий қадриятларни чуқурроқ ўргатишдир.

— Опера мураккаб санъат тури ҳисобланади, бунда нафақат кучли овоз, балки қалб ҳарорати ҳам муҳим аҳамиятга эга, шундай эмасми?

— Албатта. Операни қуйлаш ҳам, тинглаш ҳам киши қалбини юксаликка қорлайди. Шундай

экан, энг аввало, куйловчининг ўзи кучли нафас, бетақор овоз ва чинакам истеъдод соҳиби бўлиши лозим. Йўқса, юракка йўл топадиган санъат асари яратиб бўлмайди. Ижод махсулининг кинингидир кўнглидан жой олмагач, унинг тарбиявий аҳамияти, эл-ўлус маънавиятига таъсири ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Бугун санъат оламига кириб келаётган шоғирларнингизга нималардан сабоқ бераёсиз?

— Шоғирларни тарбиялаётганимизда «Зебунисо», «Лайли ва Мажнун» даги қаҳрамонлар монолоғларини қуйлашга ўргатамиз, улар тимсолида миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат

қиламиз. Қолаверса, «Келажак овози», «Янги авлод» сингари ижодий танловлар ҳам ёшларнинг мумтоз санъатга қизиқишини оширишга хизмат қилаётди. Мусиқа мактабларида симфоник гуруҳлар ташкил этилиб, мусиқий оркестрлар тузилган. Буларнинг бари келажак авлоднинг мусиқага бўлган муҳаббати ва қизиқишини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

— Айтгинчи, опера қуйлаётганингизда кўнглингиздан қандай кечинмалар ўтади? Умуман, опера санъати инсонга нима беради, сизнингча?

— Қайноқ қалб тафти ила қуйлаётган ҳар қандай санъаткорнинг бутун вужуди қўшиққа айланади. Опера айтатганим-

да тингловчининг зерикмаслиги, куй-қўшиқ унга ором бахш этишини жуда истайман. Бунга эришганимни билганим ҳамоно барча чарқочларим унут бўлади. Айнан мен қўшиқдан ажиб бир завқ оламан, хушқайфият туяман. Шу маънода айтиш мумкинки, опера кишиларга, аввало, самимийлик беради, табиятдан босиқликка, эзгуликка ундайди, назаримда.

«Майсаранинг иши» сингари дурдона асарларини «танаймайди»?

— Вақти келиб танишади. Кейинги пайтларда уларни «Тоҳир ва Зухра», «Ўжа Насриддин», Шекспир трагедиялари асосида яратилган «Ҳамлет» ва «Макбет» сингари образларни диалогия ва дуэтларда ижро этиб, операни тарғиб этаялмиш. Аслида сиз айтган замонавий эстрада ҳаваскорларининг овозини, жонли ижродаги маҳоратини синаб қўриладиган бўлса, жумалари саноқли чиқади, менимча.

Яқинда, истиқлолимизнинг 16 йиллиги арафасида барча вилоятларда марҳум санъаткорлар — Карим Зокиров, Саттор Ярашевларнинг опера жанридаги куй-қўшиқларига бағишланган 15 та ҳайрия концерти уюштирилди. Бундан қўзланган асосий мақсад ёшларимизнинг опера санъатига бўлган қизиқишини ошириш, жаҳон санъати намуналари орасида ўзига хос ўрин тутадиган ушбу санъат турини кенг тарғиб қилиш эди. Мустақиллик даврида ўзбек операсини бойитиш, жанр талқини, мазву ва мазмун дорисини кенгайтиришга қатъий эътибор қаратиб келинапти. Ёш операчиларимиз ҳам жаҳон сахналарига ўзбек операсини шайини муносиб ҳимоя қилиб, умумшаарий қадриятлар ас этган мумтоз қўшиқлар, опералар қуйлашмоқда. Халқимизнинг мусиқий меросини асрайдиган, келгуси авлодларга етказадиган шоғирлар, издошлар кўп. Шундай экан, операмизнинг келажаги нури, бунга шубҳа йўқ.

Шоира БОЙМУРОВА суҳбатлашди.



Қадим Юнонистоннинг буюк мутафаккирларидан бири, Афлотуннинг шоғирди, Искандар Зулқарнайнинг устози Арасту (миллодан илгари 384-322 йилларда яшаб ўтган) дунё тафаккур илмида қатъа ўрин тутди. Унинг нақллари, неча асларки, қиммати йўқотмай келади. Эътиборингизга улардан айримларини ҳавола этялмиш.

Арасту Бисотмиган

Ҳар қандай санъатнинг, жумладан тарбия санъатининг ҳам мақсади — инсонга табиат ато этмаган нарсаларини ўрнига тўлдирибди.

Барчага дўст бўлган киши — аслида ҳеч қимга дўст эмас.

Билим бобида жуда шағирлаб кетиб, маънавият борада орда қолаётган одам олдинга эмас, орқага қараб кетаётган бўлади.

Санъат — даҳо билан безовта табиатдан туғилади. Чунки уларнинг бири — ижодий йўналиш беради, иккинчиси — шижоат баҳш этади.

Ҳайрат ва сеҳр ОҒУШИДА



Темур ҚУРБОНБОВ сурат-лавласи.

Умр

Мухтор кўп хунар билан шугулланди. Балиқчилик қилди, гишт қуйди, тунука қоқди, электр тузатди, мактабда бадан тарбиясидан дарс берди — хуллас қўлидан келмаган иш йўқ. Кейинроқ сават тўқиди. Ун йил аввал Зумрад исми қизни яхши кўриб қолди.



бошқа оилага узатиб юборишди.

Зумрад туман қулуҳонасида ишлар, чиройли қиз эди. Мухтор китоб баҳонасида қулуҳонага борар, Зумрадга кўриш учун китобни тез ўқиб, қиз билан асарни муҳоама қилар, мулоҳазаларни Зумрадга ёқарди. Бирок қиз Мухторнинг қулуҳонага келишини кутса-да, одамлар мишмишидан ҳайиқар, бошқа жойда учрашини эса эп кўрмас эди. Мухтор қизга совчи қўйини чамалаганида, Зумрадининг онаси дунёдан ўтди, совчи юбориш нуқулай қўриди, йилги ўтишини қўлашга тўри келди, йили ўтган, Мухторнинг онаси ўлди. Вақти яна суринди. Шу орада Зумрадин

лекин Мухтор Зумраддан бошқасига уйланишга кўнмади.

Бир неча йил ўтди. «Кўк булуқ» қулуҳонадан иш чиқди — янги уйнинг томига тунука қоқиб керак экан. Мухтор рози бўлди, томга чиқди, тунука қоққ бошлади. Уй эгалари олдинги ховлида туришар эди. Туш пайтида ўша ховлидан овқат келди, овқатни Зумрад олиб келган эди. Мухторнинг кўзи тинди, томдан қулади. Зумрад чинқириб юборди.

Мухторнинг буйдоқ ўтаётганини, ҳамон севишини Зумрад билар, ёшлик туйғуси деб ўйлар эди: чўнтагидан сочилиган қоғозлар орасидан ўзининг расми чиққан, у саросимага тушди. Сувратни эрига кўрсатмади.

Мухторнинг ўлигини ўз ховлисидан кўтаришди. Ховлида хивичдан тўқилган тўрт ялдиракли фазтон турар, унинг ёнига новдадан «Зумрад», деб ёзилган эди. Зумрадининг эри Фозил новдадан терилган исмига ажабланди, тасодиф деб ўйлади.

Учқун НАЗАРОВ.

ИККИ САВДОГАР

Баҳил савдогар билан ҳасис савдогар Саҳрои Кабирда қарвондан ажралиб, адашиб қолишибди. Баҳил савдогарда атиги чорак меш сув, ҳасис савдогарда битта нон қолибди. Икковлари қўзлари киртайган, тинкалари қуриб кетган бўлса-да, бир-бирларига сўз қотишмасини.

Ривоят

Ҳасис савдогар, қанбақ, кўнгли бехузур тортар эди. «Ҳозир, ундан сув сўрасам, у менга «нон бер», дейди. Нонни унга берсам, ўзимга ярми қолади. Ахир бугун молу мулкимдан ажралиб қолган бўлсам, бу нон меннинг охирига насибам. Йўқ, сув сўрамайман. Нон ҳам бермайман». Ўз навабатида баҳил савдогар «Нон оғзига тикилиб қолиб, тезроқ ўлсайди. Маъза қилиб нонини ердим. Э, Худо, нега унда ҳозир нон бору менда йўқ», деб нола чекаркан.

Хуллас, бир неча кун ўтибди. Иккови хушидан кетиб, туяларидан ағдариллиб йиқилибди. Орқаларидан изма-из келаётган чия-бўри биттасининг қўлидан нонни, иккинчисидан мешни тортиб олиб ҳам қорин тўйдирибди, ҳам чанқоғини қондирибди.

Тарқи одат амри маҳол, деганларидек, баҳил билан ҳасис хушу-бехуш бир-бирларига гоҳо «бермайман», гоҳо «илёв, менадан олдин йўқ» деб пичирлаб, жон таслим қилишибди.

НУРБАТ тейрлади.

Сардон Бўраси

Мабодо одам ошқозон яраси билан озорланган бўлса, ундай беморлар пивёз, саримсоқ, тузланган бодринг, аччиқ таъмли қалампирлар, хардал, мурч, турп каби неъматларни истеъмоқ қилмасликлари лозим.

Агар бемор гиперацидди гастрит (меъда шираси ўта нордон) ҳамда 12 бармоқли ичак касалликлари билан азиятланган бўлса, тарвуз, пўртахол (апельсин), узум, анор, қарам шарбати, лимон, грейфрут, шолғом, олхўри, ерқалампир, шовул кабилардан ўзини тийгани маъқул.

Меъда-ичак йўлининг ўткир яллиғланишида оқбош қарам, қўқатли пивёз, бош пивёз, саримсоқ, турп истеъмоқ қилиш тўғри келмайди.

Мабодо одам қулунж (колит) ва ичбуруғ билан оғриган бўлса, унга ёнғоқ, узум, тарвуз, бош қарам, ерқалампирдан фойдаланиш лозим эмас.

Агар бемор панкреатит (меъда ости безининг яллиғланиши), энтероколит (ингичка ва йўғон ичак шиллиқ қаватларининг яллиғланиши) ва ичбуруғ билан оғриган бўлса, тарвуз, узум, бош қарам, ёнғоқ, шунингдек, пўртахол, лимон, турп, редисча, шолғом истеъмоқ қилиш тавсия этилмайди.

Юрак, қон-томир хасталикларига дучор бўлган беморлар бош пивёз, шўр бодринг, шовул, қўзуқоққабилар истеъмолидан нари бўлишлари зарур.

Маннон НАБИЕВ.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъжамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.45

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпиров. Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов. Навбатчи — М. Охунова. Мусаҳҳах — Ш. Машираббоев.